# Академик лицейдаги учрашув

Институтдаги ўқув ва таълимий жараён ҳамда мутахассислик йўналишлари билан танишиш бўлғуси талабалар учун дастуруламалдир. Улар келажак ҳаётини, ўз истиқболини шу соҳа билан боғланишни ният қиларкан, демак юртимизнинг тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги сари дадил ва қутлуғ қадамларни ташлаганлари рост.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректорининг 2018 йил 30 мартдаги “Институт тасарруфидаги академик лицей битирувчиларини касбга йўналтириш ва институт фаолияти билан яқиндан таништириш бўйича чора-тадбирлар режаси”га мувофиқ жорий йилнинг 18 апрел куни INTERNATIONAL HOUSE-TASHKENT академик лицейида “Гидромелиорация” факультети профессор ўқитувчилари Б. Серикбаев, Н. Эгамбердиев, Д. Назаралиев, А.Ўразкелдиев, Д. Муқимова факультет декани А.Фатхуллоев ҳамда декан ўринбосари Х.Туйчиевлар иштирокида учрашув ташкил этилиб, институт ҳақида тўла маълумот берилди.

**ГМ факультети декан ўринбосари Х.Туйчиев ахбороти,**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов.**